

Талантли шоир Барот Бойкобилов Самарканд вилояти Ургут туманида 1937 йили тугилди. У аввал ўрта мактабда, сўнгра Алишер Навоий номли Самарканд Давлат дорилфунунида таълим олди. Бир катор рўзнома ва ойномаларда ишлади. Кўп йиллар партия рахбарлик органларида ҳам фаолият кўрсатди. У «Мулокот» ойномасининг ташкилотчиси, биринчи бош мухаррири ҳамдир.

Барот Бойкобилов талабалик йилларидаёқ шеърлар ёза бошлади. Унинг hozirga кадар йигирмадан ортик шеърий тўпламлари, жумладан, «Самарканд сатрлари» (1962), «Висол» (1965), «Сени излайман» (1968), «Самарканд ушшоги» (1969), «Афросиёб» (1970), «Сонетлар» (1971), «Самар ва Канд» (1973), «Севги хиёбони» (1973), «Шаркий камалак» (1975), «Мени кутинг, юлдузлар» (1976), «Висол ва хижрон» (1977), «Табуррук замин» (1982), «Сонетлар» (1982), «Ватан тупроги» (1983), «Ўзбекистонда ким сокин яшайди» (1990) каби китоблари нашр этилди.

Барот Бойкобилов ўзбек шеъриясида сонет жанрининг ривожланишига салмокли хисса кўшиб келмоқда. Шоир ўзи севган ва тинимсиз машк килиб келаётган сонет жанрида жуда кўп шеърлар яратган ва унинг ўзбек шеъриясидаги имкониятини кўрсатиб берди. 1971 йилда нашр этилган «Сонетлар» китоби бу фикрнинг яққол далилидир.

Шоирнинг сонетлари содда услубда яратилган бўлса-да, уларда мухим мавзулар ёритилган. Ватанга мухаббат, инсоннинг маънавий дунёси, бурч, севги, виждон — буларнинг барчаси шоирни илхомлантирган манбалардир.

Барот Бойкобилов ўнлаб поемалар, шунингдек, «Кун ва тун», «Шукухли карвон», «Юлдузли осмон», «Нотинч Хуросон» каби шеърий киссаларнинг ҳам муаллифидир.

Барот Бойкобилов Сарвар Азимов ижоди хакида монография ҳамда «Ижоднинг юлдузли онлари» эссесини яратган.

У таржима сохасида ҳам баракали ижод килиб жахон ҳамда рус классикларининг нодир асарларини, замондош адибларнинг машхур асарларини ўзбек тилига махорат билан ўгириб келмоқда.